

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ АМАЛИЙ ПЕДАГОГИК ВА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Тошпўлатова Дилдора Баҳриддин қизи

НамДУ таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7377831>

Аннотация. Мақолада мактабгача таълим тизимиға малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари, олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг ҳуқуқий – меъёрий асослари таҳлил этилган. Шу билан бирга малакали кадрлар тайёрлаши мақсадида таълимнинг инновацион педагогик технологиялари ва ўқитиши услубларини жорий этишининг ташкилий-педагогик имкониятлари ва шарт-шароитлари таҳлил этилган.

Калим сўзлар: профессионал педагог кадрлар; инновацион таълим муҳити; бошқарув фаолиятига тайёрлаш, амалий педагогик фаолият, педагогик таълим инфратузилмаси, рақамли технологиялар, инновацион ёндашув, профессионал тайёргарлик, малакавий амалиёт; креативлик, интегратив ёндашув.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ К ПРАКТИЧЕСКОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ И АДМИНИСТРАТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация. В статье анализируются актуальные проблемы подготовки квалифицированных кадров для системы дошкольного образования, нормативно-правовые основы подготовки будущих специалистов к профессиональной деятельности в высших учебных заведениях. Кроме того, проанализированы организационно-педагогические возможности и условия внедрения инновационных образовательных технологий и методов обучения с целью подготовки квалифицированных кадров.

Ключевые слова: профессиональные педагогические кадры, инновационная среда обучения, подготовка к управленческой деятельности, практическая педагогическая деятельность, инфраструктура педагогического образования, цифровые технологии, инновационный подход, профессиональная подготовка, профессиональная практика, креативность, интегративный подход.

ACTUAL ISSUES OF PREPARING STUDENTS FOR PRACTICAL PEDAGOGICAL AND ADMINISTRATIVE ACTIVITIES

Abstract. The article analyzes the current problems of training qualified personnel for the preschool education system, and the legal-normative bases of training future specialists for professional activity in higher education institutions. Moreover, organizational-pedagogical opportunities and conditions for introducing innovative educational technologies and teaching methods for the purpose of training qualified personnel were analyzed.

Keywords: professional teaching staff; innovative learning environment; preparation for management activities; practical pedagogical activity, teacher education infrastructure, digital technologies, innovative approach, professional training, professional practice; creativity, integrative approach.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илгор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълим билан қамров даражасини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўнікмаларига эга, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун профессионал педагог кадрлар етказиб бериш, соҳага илғор таълим технологияларини жорий қилиш мақсадида педагогика таълим соҳасини ривожлантиришнинг қўйидаги устувор йўналишлари этиб белгиланди:

тарбия ва ўқитиши усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўнікмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш;

педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуксиз тизимини жорий қилиш;

педагогик таълим соҳасининг таълим йўналишлари ва мутахассислари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, инновацион ўқув-меъёрий ва таълим ресурсларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш;

педагог кадрлар буюртмачилари эҳтиёж ва талабларини мунтазам ўрганиб бориши, улар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда педагог кадрлар тайёрлашнинг илмий асосланган истиқболли режаларини белгилаш ва уларни амалга ошириш;

олий педагогик таълимга рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш пировардида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва уларда бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш;

юксак маданиятли, амалий касбий кўнікмага эга, тарбия, ўқитиши методлари ва баҳолаш мезонларини пухта эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш жараёнлари самарадорлигини ошириш.

Кенг қамровли ислоҳотлар, таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган давлат дастурлари, ҳукумат қарорлари, таълим-тарбия жараёни иштироқчиларига қаратилаётган эътибор, улар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар, мактабгача таълим ташкилотларида нафақат таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш, балки мазкур тизимдаги бошқарув муаммоларининг ижобий ечимини топиш, мазкур соҳа раҳбарларининг бошқарув фаолиятини такомиллаштиришни, яъни бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик методларидан воз кечиб, бугунги кун талабларига мос келадиган, демократик тамойилларга ва инновацион ёндашувларга асосланган бошқарув тизимини шакллантириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлигини ошириб боришини тақозо этмоқда.

Мактабгача таълимни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини муваффақиятли юритишига тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. МТТ раҳбарлари ва таълими муассасаси турли бўғинларида фаолият

кўрсатаётган тарбиячи-педагогларнинг аксариятида бошқарув йўналишлари бўйича зарурий билим, касбий фаолият тажрибалари, ташкилотчилик маҳорати, кўникма ва малакаларнинг етарли даражада эмаслиги, “мактабгача таълим ташкилотларининг малакали педагог кадрлар билан жамланмаганлиги” каби турли муаммолар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “мактабгача таълим тизимида соҳа ходимларини олий маълумотли кадрлар этиб тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш” масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да ҳам **мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиши мақсадида боғча ходимларининг професионал тайёргарлиги ва маҳоратини ошириб боришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.**

Мактабгача таълим ташкилотлари бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, бунда МТТ раҳбарлари ва тарбиячиларининг фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳамда замонавий бошқарув технологияларини кўллаш, бошқарув самарадорлигини оширишда инновацион методлар ва усуллардан фойдаланиш зарурияти туғилаётгани ва бу ўз ўрнида ихтиёрий раҳбар ва тарбиячининг билими, кўникма ва малакаси ҳамда тажрибаларига, яъни бир сўз билан айтганда касбий компетентлилигига боғлиқлиги, таълим ташкилоти фаолиятини инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш, таълим ташкилотида қулай таълимий муҳитни ташкил этиш, яъни инновацион таълимий муҳитни вужудга келтириш бўйича зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш заруриятининг белгилаётганлиги олий таълимда мактабгача таълим йўналиши талабаларини касбий фаолиятга амалий жиҳатдан тайёрлаш масаласи долзарб муаммо эканлигини кўрсатади.

Олий таълим муассасаларига мактабгача таълим бакалавариат йўналишида мактабгача таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган.

Бироқ республикамизда таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари асосида берилган хулосаларда олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги аниқланди.

Мавжуд камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Концепцияда:

гуманитар ва педагогик йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш;

педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиши ва такомиллаштириш;

мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўнікмаларини шакллантириш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш;

талабаларнинг ишлаб чиқариш, малакавий ва бошқа турдаги амалиётларини мазмунли ташкил этиш учун услубий базани ишлаб чиқиши ва ривожлантириб бориш;

ишлаб чиқариш корхоналарида дарс машғулотлари ва талабалар амалиётини самарали ташкил этиш тартибини такомиллаштириш, бунда амалий кўнікмаларни тасдиқловчи сертификатлар бериш тизимини жорий этиш;

кадрлар буюртмачилари мурожаати асосида олий таълим муассасалари базасида ишлаб чиқаришдан тажрибали амалиётчиларни жалб этиш йўли билан мақсадли таълим дастурлари, профессионал малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, тренинглар ташкил этиш механизмларини яратиш устувор йўналишларнинг вазифалари сифатида кўрсатиб ўтилди.

Мактабгача таълим йўналишида малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиши услубларини жорий этишнинг халқаро амалиётга мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режалари ва фандастурларини такомиллаштириш, ўқитишининг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технология воситаларини жорий этган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янгилашга доир ишлар олиб борилмоқда.

Мавжуд муаммоларнинг ижобий ечимини топишда, олий таълим муассасалари мактабгача таълим йўналиши талабаларини амалий педагогик ва бошқарув фаолиятига тайёрлаш методологияси ҳамда аҳамиятини асослашда қўйидаги долзарб масалаларни ҳал этилиши зарур деб ҳисоблаймиз:

- мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари ва тарбиячи-педагогларнинг фаолиятига қўйилаётган замонавий талаблар билан уларнинг бошқарув йўналишидаги билим, кўникма, малака ва касбий тайёргарлик даражаси ўртасида узвийликнинг йўклиги;

- олий таълим муассасаларининг мактабгача таълим йўналиши битирувчиларини бошқарув фаолиятига касбий тайёргарлик даражаси ва мактабгача таълим ташкилотларидағи амалий фаолият ўртасидағи боғлиқликни таъминлаш;

- мактабгача таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилаётган талаблар билан уларни амалий фаолиятга тайёрлаш жараёнлари мазмуни ўртасидағи номутаносиблик;

- амалиётда мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини МТТ раҳбарлари, тарбиячи-педагоглар томонидан етарлича инобатга олинмаётганлиги;

- мактабгача таълим йўналиши талабаларини мактабгача таълим ташкилотларининг интегратив табиатига мос равишда амалий педагогик ва бошқарув фаолиятига тайёрлаш дастурлари ҳамда технологияларини мавжуд эмаслиги.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, МТТ раҳбарларининг кўпларида бошқарув йўналишлари бўйича зарурий билим, касбий фаолият тажрибалари, педагогик маҳорат,

кўникма ва малакаларни етарли даражада эмаслиги юқори келтирилган муаммолар билан бирга тўсиқларни ҳам вужудга келтирмоқда. Хусусан, мактабгача таълим ташкилотларида ўз касбини фидоийлари бўлган, илфор педагогик тажрибага эга, билимли педагог ва муҳандис-педагогларнинг касбий фаолиятдан воз кечиш; тарбиячи-мураббийларнинг фан-техника янгиликлари ва инновацияларни ўрганиш ҳамда амалий фаолиятда қўллашга нисбатан мотивнинг йўклиги; жамоа аъзоларида, тарбияланувчилар ҳамда ота-оналарнинг ўзи танлаган таълим муассасаси фаолиятидан қониқиши ҳосил қиласлиги; жамоада турли хил норасмий гурухларни шаклланиши кабилар бошқарув фаолиятидаги асосий тўсиқлар саналади.

Мактабгача таълим йўналиши талабаларини педагогик ва бошқарув фаолиятига тайёрлашда ўқитиши ва тарбиялаш жараёни иштирокчилари фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда мазкур жараённинг натижавийлиги таъминлашда бошқарув фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, таълимнинг энг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этишга зарурият туғилмоқда. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун таълимнинг олий таълим тизимида пойdevor қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида педагогик фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ПҚ-4312-сон.
<https://lex.uz/docs/4327235#4328121>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4623-сонли Қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони
5. Эгамбердиева Н. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти . Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2010.
6. Юлбарсова Х.А., Интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. пед.фун.бўйича фалс. док. (PhD) дисс. – Арзамас, 2020.
7. Қодиров Б. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. – Т.: Мехнат, 2001. – 196 б.